Биография

Лола Каримова



Лола Каримова 1941 йилнинг августида Тошкент шаҳрида туғилди. 1961 йил педагогика билим юртини имтиёзли тугатиб, Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг филология факультетига ўқишга кирди. 1966-1969 йилларда аспирантурада таҳсил олди ҳамда 1969 йилдан мазкур факультетда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. 1972 йилда “Шимолий ўзбек шеваларида топонимлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Лола Каримова ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг “Ўзбек тилшунослиги”, “Таржима назарияси” кафедраларида доцент лавозимида ишлади. 1991 йил Тошкент давлат юридик институти ташкил қилингандан бошлаб у мазкур институтнинг “Ўзбек тили” кафедрасини бошқарди.

Асарлари:

1969

Шимолий ўзбек шевалари тадқиқи ҳақида. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали, № 10.

“Чойқуруқ” топониминиng этимологияси. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, № 4.

Топонимларнинг морфологик тузилиши. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, № 5

Copyright © 2022
All Rights Reserved.